O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 5 октябрь, № 192 (5107) Сешанба


# БАРКАМОЛЛИК, ШИЖОАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

***Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадга эришишда спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.***



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**СУРАТДА:** қурувчилар А. Нишонова, О. Абдураҳмонов, З. Ярашев ва Р. Бойгузиев навбатдаги иш режаси ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

**Бунёдкорлик**

Эндиликда юртимизнинг барча ҳудудлари, чекка-чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари қуришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, бири-биридан чиройли, замон талаблари даражасида бунёд этилган спорт мажмуаларига кўзингиз тушади. Уларнинг аксарияти аҳоли зич жойлашган ҳудудларда барпо қилинаётгани эса янада аҳамиятлидир.

Наманган вилоятида ҳам кейинги беш йилда 91 болалар спорти мажмуаси фойдаланишга топширилди. Айни пайтда уларда ташкил этилган ўнлаб спорт секцияларида 13 минг нафардан зиёд ўғил-қиз фаол қатнашмоқда. Эътиборлиси, вилоятда бу каби бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилаётир.

Жумладан, Наманган шаҳрининг "Истиқлол" кўчасида барпо қилинаётган янги тураржой даҳаси ҳудудида яна бир йирик иншоот — "Баркамол авлод — порлоқ келажак" ёшлар спорт мажмуаси қурилиши жадал олиб борилмоқда. Тўрт ярим гектар майдонга эга мазкур замонавий мажмуада қишин-ёзин фаолият кўрсатадиган ёпиқ сузиш ҳавзаси, минг ўринга мўлжалланган стадион қурилиши ишлари якунланиш арафасида. Қисқаси, ушбу иншоот ишга тушгач, сузиш, баскетбол, теннис, енгил ва оғир атлетика, кураш, бокс, минифутбол сингари 20 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланиш учун имконият яратилади.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



***АНДИЖОН. "Хўжаобод Тархон" унитар корхонасига 46 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция киритилиб, техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилди.***

### Янгиланишлар самараси

Натижада бу ерда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари сифати яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 30 фоизга ошди. Бундай ўзгаришларни Хўжаобод туманидаги бошқа 38 та корхона фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу корхоналар томонидан 3 миллиард 722 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 2 миллион 909 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ХОРАЗМ. "Ҳазорасп гиламлари" корхонаси банкротга учрагандан сўнг бу ерга 2 миллиард 100 миллион сўмлик инвестиция киритилиб, унинг негизида "Hazorasp bakery" МЧЖ ташкил этилган эди.***

### Инвестиция ривожланишга хизмат қилади

Хориж технологиялари билан тўлиқ жиҳозланган ушбу корхонада ҳозир томёпқич материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг 50 кишилик жамоаси шу кунгача 230 миллион сўмлик қурилиш материаллари тайёрлаган бўлишса, йил охиригача бу кўрсаткични 800 миллион сўмликка етказиш мақсадида меҳнат қилишмоқда.

Таъкидлаш керакки, вилоятда Молиявий соғломлаштириш дастури доирасида ана шундай 26 та корхона фаолияти қайта тикланди. Бу мақсадлар учун тижорат банклари томонидан 9,9 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция сарфланди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИнинг Хўжайли туманида шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Глас-Фильд" масъулияти чекланган жамияти иш бошлагач, 120 киши иш билан таъминланди.***

### 6 миллион дона маҳсулот

412 минг АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига фаолияти йўлга қўйилган ушбу корхонада шу кунгача 6 миллион дона сифатли шиша идишлар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАВОИЙ. Хатирчи туманидаги Хонақо қўрғони ҳудудида барча қулайликларга эга "Янги ҳаёт" қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.***

### Барча қулайликларга эга

Натижада бу ерда истиқомат қилувчи 4760 нафар аҳоли тез ва сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бунёдкорлик ишлари учун "Қизилқумцемент" очиқ акциядорлик жамиятининг 195 миллион сўмлик ҳомийлик маблағи сарфланди.

Шунингдек, ҚВП Жаҳон банки кредити ҳисобига хориждан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***БУХОРО туманидаги "Маданият Артекс" корхонасида нотўқима мато тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун хориждан 50 миллион сўмга замонавий технология олиб келиб ўрнатилди.***

### Ҳамкорлик қўл келди

Бундай саъй-ҳаракатлар ҳозирданоқ ўз самарасини бера бошлади. Корхона жамоаси томонидан тайёрланган дастлабки 20 миллион сўмлик маҳсулот чет эллик ҳамкорларга етказиб берилди. Корхона жамоаси йил охирига қадар 100 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Пойтахтимиздаги 90-умумий ўрта таълим мактабида «ZiyoNET» тармоғидан самарали фойдаланишга оид ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.*

## «ZIYONET»НИНГ БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАРИ

**Тадбир**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу семинарда таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари мутахассислари, информатика фани ўқитувчилари, услубчилар қатнашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий компьютер ва техник жиҳозлар билан таъминлаш, ахборот-коммуникация ва илғор технологияларни ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўқувчи-ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида билим олишини рағбатлантириш, «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғи ресурсларини янада ривожлантириш, мазкур тармоқнинг имкониятлари ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш чора-тадбирларини кучайтиришга оид ишлар ҳажми янада кенгайди.

Бугунги кунда юртимиздаги деярли барча умумий ўрта таълим мактаблари ушбу тармоққа уланган.

— Мактабимизда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган ўқув кабинетлари — класстерлар, «ZiyoNET»га уланган ахборот-ресурс маркази фаолияти изчил йўлга қўйилган,

(Давоми 3-бетда).

**Фармацевтика:**

## ЯНГИ КОРХОНА ҚУДРАТИ

***Мустақиллик йилларида юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига қўшма корхоналар бунёд этиш, уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, муҳими, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.***

**Ислоҳот**

Куни кеча Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги "Бордонкўл" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ишга туширилган дори-дармон воситалари ишлаб чиқарувчи "UzGermed Pharm" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси бунга яққол мисол бўла олади.

— Муҳтарам Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрдаги "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги қарори бу муҳим лойиҳани амалга оширишимизда асосий омил бўлди, — дейди янги корхонанинг ижрочи директори Абдураҳмон Назаров. — Аниқроқ қилиб айтганда, корхонамиз ишга тушиши билан шу пайтгача хорижий давлатлардан валюта эвазига олиб келинаётган, халқимиз сиҳат-саломатлиги учун зарур бўлган бир неча хил ампула дори воситаси тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

***Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Theatre.UZ/2010" биринчи халқаро театр фестивали бошланди.***

Фестивалнинг очилишига бағишлаб Ўзбекистон ёшлар театрида бўлиб ўтган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар, санъат ва маданият соҳаси вакиллари, театр ихлосмандлари иштирок этди. Унда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида санъатнинг барча йўналишларини изчил равнақ топтириш борасида олиб борилаётган эзгу интилишлар миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Юртимизда миллий театр санъатини ривожлантириш, унинг ўзига хос анъаналарини асраб-авайлаш ва янада бойитиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги санъат масканлари қуриб фойдаланишга топширилмоқда, мавжудлари замон талаблари даражасида таъмирланмоқда. Айни пайтда соҳадаги янги ижодий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, санъатга умрини бахшида этган инсонларнинг машаққатли меҳнатини эъзозлаш, театр соҳаси учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг пухта таълим олиши учун зарур шароитларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

**Анжуман**

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида санъатда ўз услуби ва йўналишига эга бўлиб бораётган ижодкорларнинг истеъдодини юзага чиқариш, ёшларни мустақил фикрлайдиган, фидойи, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилувчи етук асарларни яратиш, уларни саҳналаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятида санъат, жумладан, театр санъатига оид илғор ғоя ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ижодкорларнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутади. Жамғарма томонидан бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Theatre.UZ/2010" биринчи халқаро театр фестивали ана шундай тадбирлар сирасига киради.

Мазкур ижодий фестивалдан кўзланган асосий мақсад — юртимиз ва хорижий театрларнинг илғор анъана ва ютуқлари билан санъат ихлосмандларини кенг таништириш, томошабинларни миллий ва хорижий театр санъати янгиликларидан хабардор этиш, соҳада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш учун кенг имкониятлар яратишдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

## ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

***Фориш туманида Маҳаллийлаштириш дастури асосида умумий қиймати 380 миллион сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 8 та лойиҳа амалга оширилди.***

**Изланиш**

Хусусан, тадбиркор Абдуғофир Яссапов банкдан олган 15 миллион сўмлик кредит ҳамда ўз маблағи ҳисобига тикувчилик цехини ишга туширди. Ҳозир бу ерда турли кийим-кечаклар ҳамда зардўзлик маҳсулотлари тайёрланиб, дастлабки 10 миллион сўмлик маҳсулот ички бозорга чиқарилди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## ЗАМОНАВИЙ УЙЛАРГА — ЗАМОНАВИЙ МУҲАНДИСЛИК ТАРМОҚЛАРИ

***Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида ўтган йилнинг сентябрь ойида намунали лойиҳалар асосида бошланган***

**847** **та уй-жой қурилиши ниҳоясига етказилди.**

Ушбу уй-жойларга газ, сув ва электр энергиясини етказиб беришни таъминлайдиган ташқи муҳандислик тармоқлари ишга туширилгани, айниқса, қувонарлидир.



# ТУРИЗМ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

**_Мамлакатимизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган туризм соҳасини шакллантириш, дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётимизга замонавий халқаро фаолиятга мос келадиган туризм тармоқларини олиб кириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган даврда ушбу соҳада қўлга киритилган ютуқлар мисолида ҳам буни кўриш мумкин._**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда ушбу масалалар хусусида сўз юритилди. Айни пайтда, унда қўмита томонидан "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва халқаро ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, Хоразм, Самарқанд, Бухоро вилоятларида бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил натижалари муҳокама этилди.

### Таҳлил

Маълумки, истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Президентимиз томонидан юртимизда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, 1993 — 2010 йилларда мамлакатимиз раҳбарининг соҳани ривожлантиришга қаратилган 4 та Фармони ҳамда ҳукуматимизнинг 17 та қарори қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу ҳужжатлар асосида туризм соҳасининг янги йўналишлари шакллантирилди, замонавий меҳмонхоналар қад ростлади, қадимги тарихий обида ва қадамжолар қайта таъмирланди ҳамда янги йўллар қурилди. Айни чоғда 1993 йилда Ўзбекистон Бутунжаҳон туристик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Шундан буён юртимиз дунёнинг 24 та мамлакати билан бир қаторда ушбу халқаро ташкилотнинг "Буюк Ипак йўли" дастурида мунтазам қатнашиб келмоқда. 1995 йилдан пойтахтимизда "Ипак йўли бўйлаб туризм" халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўтказиб келинаётганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур.

Соҳада амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар ҳамда яратилган қулайлик ва имкониятлар туфайли мамлакатимизда туризм соҳаси тобора ривож топмоқда. Ҳозир сайёҳлик хизматлари нодавлат секторида 738 та фирма, шу жумладан, умумий сиғими 12,8 минг ўриндан иборат 241 меҳмонхона ҳамда 500 га яқин туроператор ва турагент ишлаб турганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Хоразм, Самарқанд, Бухоро вилоятларида туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар анчайин салмоқли. Аммо жаҳон туризми тобора илгарилаётган ҳозирги даврда ушбу ютуқлар билан кифояланиб қолиш сира мумкин эмас. Зеро, соҳани янада ривожлантиришни, унинг янги-янги турларини ташкил этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда спорт, экотуризм, агротуризм ва соғломлаштириш туризмисиз замонавий сайёҳликни тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, ушбу вилоятларда ҳам туризмнинг бу турларини ривожлантириш ҳаётий зарурат эканлиги йиғилишда айтиб ўтилди. Айни чоғда Буюк Ипак йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида туризм инфратузилмасини ривожлантириш, мазкур йўналишларни замонавий автомашиналар билан таъминлаш ҳамда туристик йўналишларни ташкил этишда чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳам ушбу соҳанинг истиқболини белгилайди. Шу билан бирга, сайёҳларга бадиий завқ улашадиган экскурсияларни ташкил этиш ва бу соҳа учун етук мутахассисларни тайёрлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

---

**_Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида "Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланган эди. У мамлакатимиз Президенти томонидан имзоланиб, шу йилнинг 18 сентябридан кучга кирди._**

# ХОЛИС БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда кейинги йилларда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилиши муносабати билан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Айниқса, давлат мулкини баҳолаш ва кейинчалик уни хусусий мулк сифатида сотиш, шу жумладан, баҳолашни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий базани эркинлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш талаб этилаётганди. Чунки баҳолаш фаолияти иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Шу муносабат билан тегишли идоралар томонидан амалдаги қонунчиликнинг баҳолаш фаолиятига доир қисмлари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда баҳолаш фаолияти шаклланиб, бозор хизматларининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Қонунига биноан, бу фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизими вужудга келтирилди. У юридик шахсларга лицензия бериш, жисмоний шахсларга сертификатлар тақдим этиш, соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибда солишда муҳим аҳамият касб этди. Бироқ мазкур ҳуқуқий мажмуа 1999 йилда қабул қилинган бўлиб, у кейинги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш талабларига, баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш заруратига тўлақонли жавоб бермасди. Буни илгарилари аксарият ҳолларда юзаки ва паст профессионал даражада ўтказилган баҳолаш ишлари мисолида ҳам айтиш мумкин. Баҳоловчи ташкилот масъулияти етарли даражада таъминланмаганлиги, қолаверса, баҳоловчи ташкилотлар вакилларининг малакаси қониқарли эмаслиги Қонун нормаларини турлича талқин қилишга сабаб бўлаётганди.

Пировардида мана шу камчиликларнинг олдини олиш мақсадида 2009 йилда "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса, табиийки, баҳолаш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга имконият яратди. Яъни баҳолаш фаолияти жисмоний шахс бўлмиш баҳоловчи томонидан эмас, балки юридик шахс томонидан амалга ошириладиган бўлди. Айни чоғда баҳоловчи ташкилотни тузиш баҳолаш фаолиятини амалга оширишнинг мажбурий шарти сифатида белгиланди. Бундан ташқари, "баҳоловчи", "баҳоловчининг ёрдамчиси" сингари тушунчалар жорий этилиб, уларга қўйиладиган асосий талаб, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш тартиби ҳамда ҳуқуқий муносабатлар субъектининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига аниқликлар киритилди.

### Қонун кучга кирди

Юқорида таъкидланганидек, Қонунга киритилган бу ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда баҳолаш фаолиятини янада ривожлантиришга замин яратди. Чунончи, ўтган йили баҳолаш хизматини кўрсатиш учун 71 мингдан ортиқ шартнома тузилди. Кўрсатилган хизматлар даромади 2007 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсиб, 9,5 миллиард сўмни ташкил этди. Эътиборли жиҳати, соҳада 800 га яқин янги иш жойлари барпо этилди. Айни пайтда 117 та баҳолаш ташкилоти тегишли лицензия асосида баҳолаш ишларини 3 та йўналиш бўйича, яъни кўчар, кўчмас ва бизнесни баҳолаш йўналишлари бўйича баҳолаш фаолиятини амалга оширмоқда.

Янги Қонун — "Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Божхона, Солиқ кодексларига, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Банкротлик тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Энг муҳими, мазкур ўзгартишлар баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш, тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг яхлитлигини, тизимлилигини таъминлаш ҳамда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айни пайтда у баҳолаш фаолиятини амалга оширишда профессионаллик, адолат ва холисликни таъминлашга хизмат қилади.

**Абдурашид АЛТИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

---

## Фармацевтика:
# ЯНГИ КОРХОНА ҚУДРАТИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган қулай инвестициявий муҳит, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг 1 миллиард 693 миллион сўмлик кредити ва раҳбариятнинг амалий ёрдами туфайли тўққиз ой ичида мазкур корхона фойдаланишга топширилди. Қурилиш-монтаж ишларига 716 миллион сўм сарфланди. Германия ва Буюк Британия технологияси асосида ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналарни Хитой Халқ Республикасининг "TRUE KING" фирмаси мутахассислари ўрнатиб беришди. Айни пайтда улар маҳаллий ёшларнинг иш жараёнларини ўзлаштириб олишларига ҳам яқиндан кўмаклашишди.

"UzGermed Pharm" "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни тизимида ампула дори воситаси ишлаб чиқарувчи олтинчи корхонадир. У технологияси, ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан мамлакатимиз фармацевтика тармоғида ягона ва ноёб бўлиб, буюртмачиларга соатига 20 минг дона ампулали дори воситаси етказиб беради.

— Қўшма корхонамиз халқаро GMP ва ISO стандартлари асосида фаолият юритади, — дейди корхона сифат назорати бўлими бошлиғи Саидазим Икромов. — Иш жараёнида сувнинг тозалиги, ҳавонинг мусаффолиги, ишчи-мутахассисларнинг озодалиги асосий мезон ҳисобланади. Шу мақсадда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўлимида сифат назорати лабораториялари ходимлари изчил текширишлар олиб боришади. Корхонамизда икки нафар фан доктори, шунча фан номзоди, тиббиёт ҳамда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган элликдан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилишаётгани эса унинг салоҳияти ниҳоятда юқори эканлигини англатади.

Ҳозирча меҳнат аҳли бир сменада ишламоқда. Тез орада иш уч сменада ташкил этилади. Ана шунда ишлаб чиқариш қуввати янада ошиб, қўшимча 70 та иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 20-25 фоизи эса хорижий давлатларга экспорт қилинади.

**Али ЗИЁДОВ.**
Даврон АҲМАД олган сурат.

---

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ушбу мажмуа Баркамол авлод йилида вилоятимиз ёшлари учун ажойиб совға бўлади,— дейди қурилиш ишларини олиб бораётган бинокорлар сардори Қобилжон Файзиев. — Ҳозиргача бу ерда 9 миллиард сўмликка яқин қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Айни пайтда коммуникация тизимларини ўрнатиш, биноларни пардозлаш ва мажмуа ҳудудини ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Яна бир муҳим томони, келажагимиз эгалари учун тикланаётган ушбу мажмуа қурилишида ёшлар ҳам фаол иштирок этишди.

# БАРКАМОЛЛИК, ШИЖОАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

— Мажмуа лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш юмушларига ёш мутахассисларни ҳам жалб қилишганидан хурсандмиз, — дейди Наманган давлат университети тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси факультети битирувчиси Адиба Нишонова. — Масалан, мен унинг ички ва ташқи безакларини ишлаб чиқишда қатнашдим. Бунда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштирган ҳолда, узоқ муддат хизмат қиладиган сифатли қурилиш ашёларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Сузиш ҳавзасининг сув ўтказмайдиган қисмини жиҳозлашда Германиядан келтирилган чидамли қоплама материалдан фойдаланилди. Бокс майдонига Наманганда ги маҳаллий корхоналарда тайёрланган энг замонавий ринг ўрнатилди. Бундан ташқари, спортчилар ва хизмат кўрсатиш ходимлари учун кийим алмаштириш, ювиниш, дам олиш хоналари ва бошқа ёрдамчи иншоотлар барпо этилгани ҳам мажмуа имкониятини янада кенгайтиради.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу тадбир доирасида юртимиз ҳамда Россия, Украина, Исроил, Греция, Италия каби мамлакатларнинг театр ижодкорлари ҳамкорлигида спектакллар, театр рассомлари кўргазмаси, концерт ва мусиқа кечалари бўлиб ўтади. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрининг ижодий жамоаси ҳамда италиялик дирижёр Маурицио Чампи иштирокидаги "Италиянинг юлдузли осмони" мавзуидаги гала-концерт, Ўзбекистон ёшлар театри ҳамда Россия, Греция, Франция, Швейцария санъаткорлари иштирокида саҳналаштирилган Ж. Мольернинг "Тартюф" асари шулар жумласидандир. Фестивалда Ўзбек миллий академик драма театрининг "Аёлғу" спектакли, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрининг "Хонима хоним" спектакли томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

— Бундай ижодий фестиваль ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, соҳадаги янгиликлардан бохабар бўлишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Исроилнинг "ZERO" театри режиссёри Олег Родовильский. — Шу маънода, Тошкентнинг санъат соҳасидаги илғор лойиҳалар, турли фестиваль ва ижодий анжуманлар ўтказилувчи йирик марказга, маданият, маънавиятнинг ўзига хос чорраҳасига айланиб бораётгани диққатга сазовордир. Фестиваль доирасида намойиш этилаётган ўзбекистонлик театр ижодкорларининг саҳна асарлари кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

Фестиваль Ўзбекистон ёшлар театри ҳамда исроиллик театр ижодкорлари ҳамкорлигида саҳналаштирилган "Сеҳрланган тикувчи" спектакли билан бошланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 5 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1571,69 | 1 Исландия кронаси | 14,48 | 1 Швейцария франки | 1659,65 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2562,84 | 1 Канада доллари | 1592,18 | 1 евро | 2194,69 |
| 1 Дания кронаси | 299,54 | 1 Хитой юани | 242,42 | 10 Жанубий Корея вони | 14,43 |
| 1 БАА дирҳами | 441,53 | 1 Малайзия ринггити | 525,74 | 10 Япония иенаси | 194,12 |
| 1 АҚШ доллари | 1621,64 | 1 Польша злотийси | 567,13 | 1 Россия рубли | 53,15 |
| 1 Миср фунти | 284,95 | 1 СДР | 2527,70 | 1 Украина гривнаси | 205,01 |
| | | 1 Туркия лираси | 1127,08 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

---

**_Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб давлатларда ишсизлар сонини ошираётган ҳозирги вазиятда мамлакатимизда бу масала ижобий ҳал этилмоқда. Бундай натижаларга кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига эришилаётир._**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ ИШОНЧЛИ ОМИЛИ

Маълумки, жорий йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган бўлиб, бу борада салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ушбу муваффақиятларда Хоразм вилоятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида бу ерда 50 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилганлиги бунинг яққол тасдиғидир. Жумладан, ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 4179 та, кичик корхона ва микрофирмалар барпо этиш, якка тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 16697 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 9593 та, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 2474 та, касаначиликни ташкил этиш орқали эса 2455 та ва бошқа йўналишлар бўйича кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, ана шунча юртдошимиз ишга жойлашди.

Бу борада Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг ёрдами катта бўлмоқда. Мисол учун, марказимизнинг 9 ойлик фаолиятини олиб кўрайлик. Шу даврда марказга 2 минг 600 дан зиёд фуқаро иш сўраб мурожаат қилди ва уларнинг 2 минг 187 нафари тумандаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлашди. Айни чоғда иш топиб бериш имкони бўлмаган 56 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди, 92 нафари касбга ўқитилди, 204 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

### Бандлик

Шу ўринда айрим маълумотларни келтириб ўтишни истардик. Жорий йилнинг 9 ойида туманимиздаги саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш, қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, янги савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари ташкил этиш ҳисобига амалда туман бўйича жами йўналишларда 4 минг 957 та янги иш ўрни яратилди ҳамда режа 103,3 фоизга уддаланди. Бундай муваффақиятларни фермер хўжаликлари, паррандачилик ва чорвачиликни кенгайтириш ҳисобига яратилган иш ўринлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу соҳаларда 1233 та иш ўрнини яратиш кўзда тутилган эди. Амалда эса 1349 та иш ўрни яратилиб, ҳамюртларимиз ишга қабул қилинди. 890 та оилада қорамол боқиш йўлга қўйилди ҳамда улардан 270 нафарига меҳнат дафтарчалари очилди.

Шунингдек, тумандаги касб-ҳунар коллежларини битирган 1 минг 800 га яқин ёшларнинг 1232 нафари ишга жойлашди. Бу борада бизга корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар асқотмоқда. Қолаверса, меҳнат ярмаркаларининг ҳам фойдаси катта бўлаётир. 9 ой давомида 3 та ана шундай бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасини ўтказдик. Уларда тумандаги 268 та ташкилот 1300 дан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди ва натижада 1044 нафар талабгорнинг 700 нафари ўз иш ўрнига эга бўлди.

Қисқаси, йил якунига қадар туманимиздаги иш излаб юрган фуқароларни ишга жойлаштириш ва шу орқали уларнинг дастурхонига қут-барака киритиш мақсадида меҳнат қилаяпмиз. Зеро, оилаларимиз тўкинлиги юртимиз фаровонлиги кафолатидир.

**Мансурбек БОЛТАЕВ,**
**Боғот тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори.**

---

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













**ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг**

| | | |
|---|---|---|
| СУЮЛТ. ГАЗ | 1701,0 | ▼-280,3 |
| ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) | 177,9 | ▼-0,8 |
| УН биринчи нав | 438,9 | ▼-10,1 |
| ОМИХТА ЕМ | 181,0 | ▼-1,2 |

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА



Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудоликка учради.

Ўзбек балет ва рақс санъатининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Галия Баязитовна Измайлова 87 ёшида вафот этди.

Г. Измайлова 1923 йилнинг 12 февраль куни таваллуд топди. Дастлаб Тошкент балет мактабини, сўнгра Тошкент давлат санъат институтини тамомлади. 1941 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида балет солисти сифатида иш бошлаб, ярим асрдан зиёд вақт давомида ушбу театрда балетмейстер, бош балетмейстер лавозимида самарали фаолият олиб борди ҳамда ўзбек опера ва балет санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Замонавий рақс санъатининг ёрқин намояндаларидан бири бўлган Г. Измайлова миллий ва европа мумтоз санъати анъаналарини пухта эгаллаб, ноёб истеъдоди, юксак ижрочилик маҳорати билан ўзига хос ижодий мактаб яратди. Унинг ижросидаги Шарқ ва Ғарб халқларининг машҳур хореографик асарлари нафақат юртимизда, балки дунёнинг кўплаб давлатларида ҳам катта шуҳрат қозонди.

Бетакрор истеъдод соҳибаси Г. Измайлова томонидан юксак бадиий маҳорат билан ижро этилган "Муножот", "Тановар", "Дилхирож", "Севги тумори", "Лайли ва Мажнун", "Оққуш кўли", "Дон Кихот", "Кармен", "Корсар", "Раймонда" сингари миллий ва жаҳон классик асарлари ўзбек маданияти ва санъати хазинасидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Г. Измайлова меҳрибон ва жонкуяр устоз сифатида ўнлаб иқтидорли ёшларга мураббийлик қилиб, уларга рақс санъати сирларини сидқидилдан ўргатди.

Атоқли санъаткорнинг миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвони, Давлат мукофоти ҳамда "Меҳнат шуҳрати", "Дўстлик" орденлари ва "Шуҳрат" медали билан тақдирланган эди.

Таниқли санъаткор, меҳрибон устоз Галия Измайлованинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Х. СУЛТОНОВ, А. АРИПОВ, А. ЖАББОРОВ, Г. ҲАМРОЕВА**

# Меҳнат бозори

***Навоий шаҳар ҳокимлиги, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этди.***

Навоий томонларда

Унда ҳудуддаги 76 корхона ва ташкилот 306 та иш ўрни билан қатнашди. Ушбу меҳнат бозорида иштирок этган 104 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Уларнинг аксарияти ёшлар эканлиги эътиборлидир.

***Хатирчи туманидаги Сарой ва Туркман қўрғонлари оралиғидаги масофа ўн беш чақиримни ташкил этади.***

# Каттасойга кўприк қурилди

Ушбу манзиллар ўртасидаги Каттасой баҳор мавсумида тўлиб оққани боис бир неча кун давомида транспорт ҳаракати тўхтаб қоларди. Эндиликда бунга чек қўйилди. Гап шундаки, туман автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш корхонаси томонидан 570 миллион сўм маблағ сарфланиб, мазкур сойга узунлиги қирқ тўрт метр бўлган мустаҳкам кўприк ўрнатилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
ИП ООО «PAKHTAKABEL ZAVODI»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ кабельно-проводниковую продукцию
- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АППБН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АППВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 16 мм² до 600 мм².
E-mail: pakhtakabel@mail.ru
Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.
Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51.
Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.

TOSHKENT SHAHRIDAGI «OAZIS» UY-JOY MAJMUASI
BOSHLANG`ICH TO`LOV 33%
UZAYTIRILGAN MUDDAT — 10 YILGA
BARCHA TURDAGI TO`LOV XIZMATLARI NARXI O`ZGARILMAGAN HOLDA AMALGA OSHIRILADI
QURILISH KOMPANIYASIDAN HAR BIR MIJOZ UCHUN MAXSUS TAKLIFLAR



Oazis
Telefonlar: (+998 71) 224-50-85
(+998 97) 471-18-88
e-mail: info@oazis.uz
www.oazis.uz
Raqobatdosh narxlar


# «ZIYONET»НИНГ БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— дейди пойтахтимиздаги 90-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Бахтиёр Каримов. — Буларнинг барчаси илғор технологиялар асосида дарс ўтиш, таълим тизимига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, кўплаб янги дарс ишланмалари, маъруза матнлари, масофавий таълим курслари, дарсликларнинг электрон муқобили билан танишиш, бошқа ўқув даргоҳлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари, кутубхоналар, илмий-маърифий муассасалар билан доимий ҳамкорлик қилиш, ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини янада оширишда муҳим ўрин тутади.

Мактабларда яратилган барча имконият ва шароитларни жамоат таълим ахборот тармоғидан оқилона ва унумли фойдаланишга сафарбар этиш, бунда ўқитувчиларнинг касб малакаси ва маҳоратини доимий ошириб бориш, уларни ахборот-коммуникация технологияларининг сўнгги янгиликларидан мунтазам равишда хабардор этиш бугунги кунда тобора долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тадбирда «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғидан самарали фойдаланишга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**


## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**қуйидаги объектларда соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича юридик шахсларни танлаш юзасидан ички танлов эълон қилади:**

- **«Шабада» талабалар ошхонаси;**
- **7-бинодаги талабалар ошхонаси;**
- **6-бинодаги талабалар буфети;**
- **«Учқудуқ» талабалар ошхонаси;**
- **2-сонли талабалар тураржойидаги буфет;**
- **3-сонли талабалар тураржойидаги буфет;**
- **2-бинодаги талабалар буфети;**
- **5-бинодаги талабалар буфети;**
- **ахборот-ресурс марказидаги (кутубхона) буфет;**
- **бош бинодаги талабалар буфети.**

**Буюртмачи** — Тошкент давлат иқтисодиёт университети.
**Ички танлов комиссияси** — Тошкент давлат иқтисодиёт университети.
**Манзил:** Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, университет бош биноси, 402-хона.
**Телефон:** (8-371) 232-60-03.

***Танловда қатнашадиган юридик шахслар танлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:***
- танлов комиссияси раиси номига ариза;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси (нотариал тасдиғи билан);
- умумий овқатланишни ташкил қилиш соҳасидаги фаолият, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;
- махсус моддий-техник база ва озиқ-овқат технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

Ички танлов ҳужжатларини харид қилиш учун танлов комиссиясига мурожаат этиш лозим. Тошкент давлат иқтисодиёт университети.
Манзил: Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, университет бош биноси, 402-хона.
Телефон: (8-371) 232-60-03.

**Ички танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм ўтказилиши лозим:**
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги,
ҳ/р: 23402000400100001006, МФО: 00014, СТИР: 201122919.
Банк номи — МБ ББ ХККМ, Тошкент шаҳри. Тўлов элементи — ТДИУ,
л/с: 49991026294950079900002, СТИР: 200794448.

**Ички танлов ҳужжатлари учун учинчи шахснинг тўлови тақиқланади.**
**Комиссияга таклифлар бериш — ички танлов ўтказиладиган сана ва вақтгача давом этади.**

**Конвертларни очиш қуйидаги манзилда ўтказилади:**
**Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, ТДИУ.**

**Конвертларни очиш эълон чоп этилган санадан камида 30 кун ўтгандан кейин амалга оширилади.**

9288/1104


## «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК

**2010 йил 1 октябрдан бошлаб электр энергияси тарифлари ошганлигини маълум қилади.**

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 2010 йил 29 сентябрдаги 19-03-22-05-ЎзР-39-2010-сонли реестри**

| | | |
|---|---|---|
| I. | Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори. | |
| Икки ставкали тариф: | | |
| | - бир йилга 1 кВт энг юқори юклама учун тўлов | 126 630 сўм |
| | - 1 кВт соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов | 60 сўм 45 тийин |
| II. | Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қувват 750 кВА гача. | |
| Бир ставкали тариф: | | |
| | - 1 кВт соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов | 76 сўм 80 тийин |
| III. | Ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари, шу жумладан, бюджетдан молиялаштириладиган насос станциялари | 76 сўм 80 тийин |
| IV. | Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электр тортиш) | 76 сўм 80 тийин |
| V. | Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари, шаҳар кўчаларини ёритиш | 76 сўм 80 тийин |
| VI. | Савдо ташкилотлари, кафе, ресторанлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари | 78 сўм 40 тийин |
| VII. | Аҳоли, аҳоли пунктлари | 76 сўм 80 тийин |
| | Электр плиталар билан жиҳозланган тураржой аҳолиси | 38 сўм 40 тийин |
| VIII. | Иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва совитиш (кондициялаш) эҳтиёжларига ишлатиладиган электр энергияси | 76 сўм 80 тийин |
| IX. | Реклама, иллюминация | 110 сўм 00 тийин |
| X. | Энергетика тизимининг хўжалик эҳтиёжларига | 76 сўм 80 тийин |

**Ушбу тарифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сонли қарори асосида тасдиқланган.**

**Мазкур тарифлар ҚҚС билан ўрнатилган.**

**Ушбу реестр кучга кириши билан 2010 йил 29 мартдан амал қилган 19-03-22-05-ЎзР-7-2010-сонли реестр ўз кучини йўқотади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Комиссия масъул ходими Абдураҳмон Якубович Якубовга волидаи муҳтарамаси
**ХУРСАНД аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоаси газетанинг бўлим муҳаррири Дилмурод Қирғизбоевга волидаи муҳтарамаси
**ХОСИЯТХОН онанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзенгсанлойиҳа" (ГПИ-4) институти жамоаси институт директори Ҳотам Иноғомовга укаси
**Ҳикматхўжа ИНОҒОМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси саноат экологияси кафедраси доценти М. Ниёзовага отаси
**Муҳиддин ШОУМАРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




САНОАТ МОЙИ И-20А 1670,0 ▲ +292,5




МОТОР МОЙИ М14 В2 2500,6 ▲ +721,3




БЕНЗИН АИ-80 1476,1 ▼ -19,4




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 1248,3 ▲ +16,1

